



Ҳар қандай масалага маҳалла даражасида ечим топилади

3-с.

Ҳаёт илми ҳаммага керак, ҳатто ота-онага ҳам

4-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

№8
(2336)

2026 йил
31 ЯНВАРЬ,
ШАНБА

Маҳалла

ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН

WWW.UZMAHALLA.UZ

2026 йил — “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ”

ҲАМКОРЛИК

Туркияда энди “Ўзбекистон” маҳалласи бор!

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикасига амалга оширган расмий ташрифи доирасида Ҳатай вилоятида мамлакатимиз томонидан барпо этилган “Ўзбекистон” тураржой мажмуасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Уч йил олдин содир бўлган вайронкор zilzila қардош турк халқи учун огир синов бўлди. Ўзбекистон ушбу фожиали даврнинг дастлабки кунлариданок Туркияга ҳар томонлама ёрдам кўрсата бошлади. Хусусан, қисқа муддатларда Ҳатай вилоятининг Арсуз туманида барча зарур инфратузилмага эга замона-

вий тураржой мажмуаси барпо этилди. Урта ер денгизи соҳилида қад ростлаган — “Ўзбекистон маҳалласи” номини олган ушбу мажмуа 2,2 гектар майдонни эгаллаган бўлиб, 306 та хонадондан иборат 24 та тураржой биносини ўз ичига олади. Хонадонларнинг ички қисми пардозланди, сув таъминоти, электр энергияси тизимлари, сув иситиш учун қуёш

панеллари ва асосий маиший техникалар ўрнатилди. Болалар ва спорт майдончалари, автотураргоҳлар, дам олиш учун айвонлар барпо этилди. Сирасини айтганда, “Ўзбекистон маҳалласи” жабрланган оилалар учун нафақат янги уй, балки ўзбек ва турк халқлари ўртасидаги абадий дўстликнинг, икки мамлакат ўртасидаги ишонч ва ўзаро ҳурматнинг ёрқин намунасига айланди.



МУНОСАБАТ

УЮШМА КУНДАЛИГИ

Маҳалла маблағлари мақсадли ва манзилли сарфланади

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қахрамон Қуронбоев раислигида Самарқанд вилоятида вазирлик ва идоралар ҳамда уларнинг ҳудудий бошқармалари раҳбарлари иштирокида мулоқот ўтказилди.



АНИҚ НАТИЖА, ШАХСИЙ МАСЪУЛИЯТ МАҲАЛЛАДА БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИНИ ЯРАТАДИ

2026 йил 23 январда Президент Шавкат Мирзиёев раислигида камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилиши юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг, бутун халқимизнинг фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган “Янги Ўзбекистон — халқчил ва инсонпарвар давлат” ғояси изчиллик билан амалга оширилаётганининг яна бир тасдиғи бўлди.


Мажлисда билдирилган фикр ва вазифалардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, жорий йилда маҳалла давлат сиёсатини амалга оширишда ҳар қачонгидан ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Шу боисдан ҳам 2026 йил — “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб белгиланди. Бу қарор маҳаллага бўлган муносабатни институционал даражага кўтариш, уни ислохотларнинг асосий ижросисига айлантиришга қаратилган.

Давоми 2-саҳифада.

Унда 2026 йилда “Ислохотлар штаби” амалга оширадиган устувор вазифалар муҳокама қилинди. Шаҳар ва туманларга бириктирилган мутасаддиларнинг йиллик режалари кўриб чиқилди. Маҳаллаларда инфратузилма муаммоларини ҳал этиш, аҳоли бандлиги ва оилаларни камбағалликдан чиқаришга қаратилган манзилли дастурлар муҳокама марказида бўлди. Йиғинларда жинойatchилик ва ижтимоий-маънавий муҳит билан боғлиқ масалалар, янги ташаббуслар, инвестицияларни кўпайтириш ва ҳудудларнинг ўсиш нуқталарини ишга солиш буйича аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Иштихон туманида 2026 йилга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури тақдимот қилинди.

Ҳудудга “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги туман” мақоми берилгани муносабати билан 100 миллиард сўм миқдордаги маблағ ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларга йўналтирилади, 1955 та янги иш ўрни яратилади. Қолаверса, 5 800 та хонадон тоза ичимлик сув билан таъминланади. Шунингдек, маҳалла раислари билан мулоқотда муҳим ташаббуслар илгари сурилди. Хусусан, 8 та огир тоифадаги маҳаллада мавжуд 14 километр узунликдаги ариқларни таъмирлаш учун Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармасидан маблағ ажратилади.



АЖРАШГАН БЎЛСА-ДА, ФАРЗАНД ОЛДИДАГИ МАСЪУЛИЯТ, БАРИБИР ОТА-ОНА ЗИММАСИДАДИР



ИЛМГА ТАШНА ЁШГА ИМКОН ҚАНОТ БЕРАДИ



“ЕТТИЛИК” ЕЛҚАДОШ ИШЛАДИҚ, ЖИНОЯТ ЙЎҚОЛДИ



Президент Шавкат Мирзиёев Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғанинг таклифига биноан РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН ушбу мамлакатда бўлди.



Ўзбекистон ва Туркия Президентлари раислигида олий даражадаги СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИК КЕНГАШИНИНГ ТЎРТИНЧИ ЙИГИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ.



Ўзбекистоннинг ХОРИЖДАГИ БИРИНЧИ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ Истанбулнинг Бекиркёй туманида қурилади.

“МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!”

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

МУНОСАБАТ

**АНИҚ НАТИЖА, ШАХСИЙ МАСЪУЛИЯТ
МАҲАЛЛАДА БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИНИ ЯРАТАДИ**



Қаҳрамон ҚУРОНБОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси, сиёсий фанлар доктори, профессор.

“МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ” ИНСТИТУТИ: ВАЗИФА ВА ЖАВОБГАРЛИК

Сўнги йилларда маҳаллада бошқарувни такомиллаштириш мақсадида “маҳалла еттилиги” институти жорий этилди. Унинг таркибига маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, ижтимоий ходим, солиқ инспектори ва профилактика инспектори киритилди. Ҳар бирининг фаолият йўналишлари ва асосий вазифалари аниқ белгиланган бўлди. Бу тизимнинг асосий ғояси — барча соҳалар вакиллари битта мақсад атрофида бирлаштириш эди.

Аммо амалиёт таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ушбу тизимнинг самарадорлиги ҳудудлар кесимида турлича. Айрим маҳаллаларда “еттилик” фаол ишлаётди, бошқаларида эса у етарлича фаолият кўрсатмапти...

Биргина мисол. Фарғона вилояти Олтиариқ туманидаги “Азимобод” маҳалла фуқаролар йиғинининг “еттилиги” бақамти ишлагани боис, ҳомийлик ва ҳашар йўли билан 2024 йили 26-сонли мактаб учун қиймати 11 миллиард сўм бўлган 380 ўринли янги ўқув биноси, 2025 йили эса 22-сонли мактабга таълим ташкилоти учун 7,5 миллиард сўмлик 280 ўринли замонавий бино қуриб битказилди. Натижада қишлоқдаги болаларнинг 100 фоизи мактабга таълим билан қамраб олинди, шунингдек, 1050 нафар ўқувчи бир сменада таълим олиш имкониятига эга бўлди.

Шу билан бирга, 200 миллион сўм маблағ эвазига Наъматак ва Боғ ёни кўчаларида умумий узунлиги 1 500 метр бўлган пиедалар йўлакчаси барпо этилди. Бир миллиард сўм ҳисобига 15 километр ички йўللار таъмирланди, 3 та трансформатор ўрнатилди, 206 та ёғоч устун бетон устунларга

алмаштирилди ҳамда 7 километр ўзини ўзи қўтарувчи изоляцияланган сим тортилди. Шу кунларда 5 миллиард сўм ҳисобига клиника қурилмоқда ва у жорий йилда фойдаланишга топширилади. 2024-2025 йилларда “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси доирасида 3,2 миллиард сўм ҳисобига 10 километр шағал йўллар асфальтлаштирилди, 7 километр лоток ётқизилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев билдирган танқид ҳам айнан шу нуқтага қаратилди: имконият ва маблағ етарли, аммо шахсий масъулият ҳамма жойда ҳам етарли эмас. Бу эса кадрлар тайёрлаш, билим ва тажрибани ошириш масаласини биринчи ўринга чиқаради.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили”да устувор йўналишлар бўйича ислохотлар дастурлари ва Давлат дастурини амалга ошириш чоратadbирлари тўғрисида”ги Фармони лойиҳасида “маҳалла еттилиги” фаолиятини ташкил этиш жараёнларини ислох қилиш масаласи назарда тутилмоқда.

Мазкур йўналишда ислохот орқали: **ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, ижтимоий ходим ва солиқ инспекторини** уларнинг бўйсунувидидаги ташкилотлар тақдирномасига асосан туман (шаҳар) ҳокими томонидан лавозимга тайинлаш ва фуқаролар йиғини раиси тақдирномасига асосан лавозимдан озод этиш; 500 та маҳаллада тажриба тариқасида “маҳалла еттилиги” вакиллари уларнинг ўзи истикомат қилаётган ва ёндош маҳалладан тайинлаш; “маҳалла еттилиги” аъзоларини йиғилишлар ва бошқа тадбирларга жалб қилишни фақат фуқаролар йиғини раисининг рухсати билан амалга ошириш, уларга ўзларининг фаолият йўналишлари билан боғлиқ бўлмаган вазифаларни юклашни қатъий тақиқлаш; Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси томонидан мазкур талабни бузгани учун давлат органлари ва ташкилотлари **масъул ва мансабдор шахсларини эгаллаб турган лавозимдан озод этишгача бўлган жазо чораларини қўллаш** бўйича ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига тақлифлар киритиб бориш амалиётини йўлга қўйиш режалаштирилмоқда.

Пировард натижада “маҳалла еттилиги” фаолиятини ташкил этишда фуқаролар йиғини раисининг роли кескин ошадди, “маҳалла еттилиги” вакиллари лавозимга тайинлашда тегишли ҳудуд ва маҳалладаги аниқ ҳолатни билган мутахассисларни саралаш имконияти пайдо бўлади, “маҳалла еттилиги” вакиллари тааллуқли бўлмаган топшириқларни юклаш тақиқланади, энг муҳими, бу борадаги ҳуқуқий асос такомиллашади.



МЕТОДИК ЁНДАШУВ — НАТИЖАНИНГ КАЛИТИ

Ислохотлар натижасини баҳолашда умумий макроиқтисодий кўрсаткичлар муҳим, албатта. Аммо улар ҳаётдаги ҳақиқий ҳолатни тўлиқ очиб бермайди. Бу ҳолатни эса маҳаллада кўриш мумкин.

Маҳаллада ишсизлик ва камбағал оила бор бўлса, демек, имкониятлар тўлиқ ишга солинмаган, тизим етарли даражада ишламапти, масъулият шахсий даражагача тушмаган. Шу маънода, маҳалла — давлат сиёсатининг натижаси ўлчанадиган энг аниқ мезондир.

Видеоселектор йиғилишида таъкидланганидек, ишсизлик ва камбағаллик даражаси юқори бўлган “огир” маҳаллалардаги вазият ҳали ҳам мураккаб. Бу маҳаллаларда ягона ва аниқ методик ёндашувнинг йўқлиги кўплаб муаммоларни келтириб чиқармоқда: самарасиз чора-тадбирлар, ресурсларнинг нотўғри тақсимланиши ва натижаларнинг барқарор эмаслиги. Шу боис, Президентимиз “огир” маҳаллаларни чуқур ўрганиш, энг яхши тажрибаларни умумлаштириш ҳамда аниқ ва амалий методик қўлланма ишлаб чиқиш вазифасини қўйди. Бу қўлланма фақат тавсия хусусиятига эга бўлмай, балки **маҳаллада ишланиши ҳақиқий “йўл харитаси”, яъни амалий ҳаракатлар режаси бўлиши** керак.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили”да устувор йўналишлар бўйича ислохотлар дастурлари ва Давлат дастурини амалга ошириш чоратadbирлари тўғрисида”ги фармони лойиҳасида маҳалла ходимлари фаолиятини илмий асосда ташкил этиш, уларнинг билим ва кўникмаларини доимий ривожлантириш тизимини йўлга қўйиш масаласи ҳам алоҳида ўрин олмоқда. Бу орқали маҳалла тизимини профессионаллаштириш ва самарадорлигини ошириш кўзда тутилмоқда.

Шу мақсадда Маҳаллани ривожлантириш миллий институти ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий филиал-

лари ташкил этилиши белги-ланмоқда. Маҳалла фуқаролар йиғини раислари ҳамда маҳалла тизимидаги раҳбар ва мутахассис кадрларнинг аниқ режа-жадвал асосида **йилга камида бир марта** малакасини ошириш тизими жорий қилинади. Бунинг натижасида тахминан 20 мингга яқин маҳалла тизими ходимлари ва “маҳалла еттилиги” вакиллари малака ошириш, шунингдек, магистратура таълим мутахассислиги йўлга қўйилиб, 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб жами 120 нафар мутахассис магистратурада ўқий имкониятига эга бўлади.

Шубҳасиз, ушбу ислохотлар маҳалла тизимини илмий ва амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш, унинг жамиятдаги ролинини янада оширишга хизмат қилади. Маҳалла нафақат аъёнавий кадрларни сақловчи, балки замонавий муаммоларни самарали ҳал этадиган профессионал институтга айланади. Натижада “огир” маҳаллаларда ишсизлик ва камбағалликни камайитириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш ва жамиятнинг умумий юксалиши таъминланади. Бу йўналишдаги барча чора-тадбирлар мамлакатимизнинг барқарор ривожланиши ва халқ фаровонлиги йўлидаги муҳим қадам бўлади.

МАҲАЛЛА ИНФРАТУЗИМА — ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ОМИЛИ

Давлатимиз раҳбари яна бир муҳим ташаббус — 903 та “огир” маҳалланинг ҳар бирида 300 киловаттлик кичик қуёш электр станцияларини қуриш ва уларни маҳаллаларга бегараз актив сифатида беришга эътибор қаратди. Бу, ўз навбатида, **ҳар бир маҳаллага қўшимча 400-500 миллион сўм даромад келтиради** дегандир. Станцияларнинг ишига камбағал оилалар аъзолари жалб қилинади. Бу лойиҳа яна мингта илгор маҳаллада ҳам амалга оширилади, станциялар 7 йилга фозисиз лизинг асосида берилиши белгиланди.

Европа давлатларида ҳам

шунга ўхшаш лойиҳалар мавжуд бўлиб, кўпинча “energy communities” (энергия жамоалари) деб аталади, уларда фуқаролар, кооперативлар ёки маҳаллий ҳокимиятлар қуёш панелларини ўрнатиб, энергияни ўзлари ишлаб чиқаради ва тақсимлайди. Бу моделлар маҳалла ёки кичик қишлоқ даражасидаги ўзини ўзи таъминлашни оширади, энергия нархларини пасайтиради ва экологик фойда келтиради. Мисол учун, Германияда жамоавий қуёш лойиҳалари энг ривожланган. 2016 йилга келиб, мамлакатдаги қайта тикланувчи энергиянинг 50 фоизига яқини жамоавий мулк ҳисобланган. “Energiegenossenschaft Odenwald eG” кооперативи мисолида — улар 83 та қуёш станцияси ва шамол турбиналарини қуриб, 50 миллион евро инвестиция жалб қилган. Аъзолик учун минимал ҳисса 100 евро ва даромад маҳаллий жамоага қайтади.

Юқоридегилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев илгари сурган ташаббус, яъни 903 та “огир” маҳаллага кичик қуёш электр станцияларини қуриш ва уларни маҳаллаларга бегараз актив сифатида бериш маҳалла инфратузилмасини барқарор электр билан таъминлайди, янги иш ўринларини яратади (ўрнатиш, техник хизмат кўрсатиш, энергия сотиш), энергия харажатларини камайтиради ва маҳалла бюджетига қўшимча даромад келтиради, “яшил иқтисодиёт”ни маҳалла даражасигача олиб тулиш ҳаракатини янада тезлаштиради.

ИХТИСОСЛАШУВ — МАҲАЛЛА БАРҚАРОРЛИГИНИНГ АСОСИ

Маҳаллани ривожлантиришда умумий ёндашув эмас, иختисослашган модел самара беради. Президентимиз таъкидлаганидек, маҳаллада мавжуд — ер, меҳнат ресурси, табиий ва географик шароит инobatга олинган ҳолда, аниқ йўналиш танланиши керак.

Томорқачилик, боғдорчилик, пиллачилик, хизмат кўрсатиш ёки туризм — қайси соҳани танлаш маҳалланинг хусусияти, шароити ва ички имкониятларига боғлиқ.

Шу билан бирга, маҳаллалар иختисослашуви камбағалликни қисқартиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. 903 та “огир” маҳаллада 100 минг гектар томорқа ва ижара ерлари мавжуд. Сув таъминотини яхшилаш, уруғ-қўчат етказиб бериш орқали даромадни ошириш мумкин. Сертификатланган қўчатлар учун 50 фоиз субсидия, “шпалер”лар учун 20-70 минг сўм, томчилатиб суғориш учун 160 минг сўм компенсация тўланади. Уста деҳқонларга мукофотлар тақдим этилади. 2 минг гектар ўрмон ерлари 4 минг оиллага бепул ажратилади, пиллачилик учун субсидия ва сусда берилади.

Президентимизнинг шахсий ташаббуси билан бошланган маҳаллардаги иختисослашуви тўлиқ амалга ошириш, бу — маҳалланинг ички салоҳиятини юзага чиқариш ва барқарор иқтисодий тизим яратиш дегандир. Шу боис, барча маҳалларда иختисослашув жараёнини охиригача етказиш вазифаси қўйилди. Масалан, Қибрай туманидаги «Уй-маут» маҳалласида икки йил аввал бошланган кичик тикувчилик лойиҳаси бугунги кунда катта натижага эришди: 3 миллион долларлик экспорт амалга оширилди ва 200 нафар киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

2025 йили мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорт ҳажми ва географиясини кенгайтириш, бунда аҳолининг манфаатдорлигини ошириш юзасидан янги тизим жорий қилинди. Жумладан, “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида 4 145 та маҳалла мева-сабзавот маҳсулоти етиштиришга иختисослаштирилди. Ўсимликлар карантини ва химияси агентлигининг 984 нафар инспектори ҳар бир маҳаллага, ижарага берилган ер майдонларига бириктирилди, аҳолининг томорқасида экспорт маҳсулотларини етиштириш тушунчаси шакллантирилди. Бунинг натижасида 2025 йилнинг январь-октябрь ойларида аҳоли томорқасида етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотлари экспортга 465 млн. долларни ташкил этди.



Хулоса ўрнида айтганда, бугун маҳалла жамиятни юксалтиришнинг бош пойдеворида айланмоқда. Агар маҳалла ривожланса, камбағаллик қисқаради, иш ўринлари яратилади, жамиятда ишонч ортади. “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили”, шубҳасиз, биздан сўз эмас, аниқ натижа, широк эмас, шахсий масъулият талаб қилади. Бир сўз билан айтганда, маҳалла барқарор тараққиёт пойдеворида айланиши керак. Ана шу йўлда бор куч ва имкониятимизни сафарбар этамиз.



1 февралдан ИЖТИМОЙ ЁРДАМЛАР оилаларга индивидуал режа асосида ижтимоий шартнома орқали тақдим этилади.



Эндиликда уяли алоқа абонентлари амалдаги тариф режасини исталган бошқа тариф режаси билан БЕПУЛ АЛМАШТИРИШИ МУМКИН бўлади.



Янги замонавий қуриш харажатларининг 100 МИЛЛИОН СЎМДАН ОШМАГАН ҚИСМИ қоплаб берилади.

2026 йил
31 ЯНВАРЬ,
ШАНБА

Mahalla №8

3

“ОДАМЛАР ДАРОМАД ТОПИШИДА ТАДБИРКОРЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ!”

КИЧИК ЛОЙИХАДАН КАТТА НАТИЖА

КЕЧАГИ КАМБАҒАЛ ОИЛА БУГУН ИШ БЕРУВЧИ, ТАДБИРКОРГА АЙЛАНГАН

Халқимизда “Ташаббус бирники, самараси мингники”, деган ибратли нақл бор. Зеро, инсон манфаатларини кўзлаб қилинган ҳар бир иш замирида эзгулик мужассамлиги айна ҳақиқат.



Отабек МУРОДОВ, Уйчи туманидаги “Ҳизробод” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Туман марказидан 9 километр узоқликда жойлашган маҳалламизда “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида ўзига хос ташаббуслар йўлга қўйилган. Бу билан аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, доимий ва қўшимча даромад манбаига эғалик қилиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга эришяпмиз. Асосий “ўсиш нуқта” — чорвачилик ва асаларичилик. Бу йўналишларда фаолият юритаётган тадбиркорлар янги иш ўринлари яратишяпти.

Дилфуза Жўрабоева бир неча йилдан бери чорвачилик фаолияти билан шуғулланади. У дастлаб 2 бош қорамол боқибдан иш бошлаган бўлса, бугунги кунда улар сони 40 бошдан ошди. Ҳўжалиқда асосан, сигир боқилиб, кунига ўртача 400 литр сут соғиб олинапти. 5 та доимий иш ўрни яратилган.

Асалчи кўчасида соҳа анча тараққий этган бўлиб, 42 та оила ушбу фаолият тури билан шуғулланади. Масалан, Шўхратжон Юсупов хонадонидан 40 та уяда асалари парваришлайди. Табиий асални ички бозорда сотиб, ўтган йили 100 миллион сўм соф даромад олди.

“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури асосида қийин вазиятга тушиб қолган, ижтимоий кўмакка муҳтож оила аъзолари билан индивидуал ишлаяпмиз. Натижада кечаги камбағал

оилалар бугун яхши даромадга эга бўляпти.

Президентимиз камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича 2026 йилдаги асосий вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу ҳақида алоҳида тўхталиб, маҳалла — ислохот қаерда ишлаётганини ҳам, қаерда тўхтаётганини ҳам аниқ кўрсатадиган жой эканини таъкидлаган эди. Шу боис “еттилик” билан биргаликда одамлар муаммосини жойида тезкор ҳал қилишга интиляпмиз, ишсизлик ва камбағалликнинг кескин қамайишига эришяпмиз.



Мисол учун, 2024 йилда 25 та оила рўйхатга олинди, барчасига зарур кўмак кўрсатилди. Натижада 2025 йилга келиб, бу рақам 12 тага тушди. Улар ҳам камбағал оилаларга ўқитилиб, ишга жойланди. Қувонарлиси, жорий йилда атиги 5 та камбағал оила аниқланди, холос.

Мухими, кечаги камбағал оилалар вакиллари бугун иш берувчи, тадбиркорга айланган.

Уйма-уй хатлов ўтказганимизда, “Камбағал оилалар реестри”да турувчи 2-гурух ногирони Мунира Аҳмедова тикувчиликка малакаси борлиги, аммо имконияти йўқлигини айтди. Унга “маҳалла еттилиги” тавсияси билан “Тенг имкон — инклюзив бандлик” дастури асосида 10 миллион сўм имтиёзли кредит ва субсидия асосида тикув машинаси ажратилди. Шунингдек, турмуш ўртоғини миграциядан қайтариб, доимий ишга жойладик. Бугунга келиб, тикувчилик йўналишида ўз тадбиркорлигини бошлаган аёл 2 та иш ўрни яратди. Ойлик даромади 4-5 миллион сўмни ташкил этмоқда. Шу тарафда оила камбағалликдан чиқарилди.

Жорий йилдаги бош мақсадимиз — маҳаллани ишсизлик ва камбағалликдан холи худудга айлантириш.

МАҚСАД

Ҳар қандай масалага маҳалла даражасида ечим топилади

Жамоатчилик муҳокамасига қўйилган “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш” йилида устувор йўналишлар бўйича ислохотлар дастурлари ва “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича Давлат дастури тўғрисида”ги Президент фармони лойиҳасида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасига қатор вазифалар юклатилган.

Армон лойиҳасига кўра, маҳаллаларда ишсиз фуқаролар ва ёшлар учун касб-хўнара ва хорижий тилга ўқитиш бўйича қисқа муддатли курслар ташкил қилинади. 400 минг нафар банд бўлмаган шахслар ва камбағал оилаларнинг ишсиз аъзолари касб-хўнара, хорижий тил ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитилади. Уқитиш ваучер тизими асосида Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан йўлга қўйилади.

Аҳоли муурожаатлари ва муаммоларини ҳал этишнинг ягона интеграциялашган тизими яратилиб, соддаштирилган тартибда муурожаат қилиш имконини берувчи “OASIS” платформаси ишга туширилади. Унда маҳалладан тортиб республика даражасида



1 091 та маҳаллада хусусий секторларни жалб қилган ҳолда Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш марказлари давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилади.

ҳал бўладиган ҳар бир масаланинг ижросини, муддати, ресурси бир жойда жамланади. Биринчи босқичда Наманган, Сурхондарё вилоятлари ва Тошкент шаҳри, шунингдек, улардаги туман (шаҳар) ва маҳаллаларда қурилиш, адлия, олий таълим, солиқ идоралари ва уларнинг вилоят, туман (шаҳар) бўлимларида ушбу платформа тўлиқ синовдан ўтказилади. Мазкур тизим орқали барча давлат ташкилотларининг 1 мингдан зиёд давлат хизматлари,

фуқароларга гамхўрлик қилиш, маҳаллада низоли оилалар масаласини ҳал этиш, ҳашарларда қатнашиш, маҳалланинг инфратузилмавий муаммоларига ечим топишда иштирок этиш, ёшларни тил ва касбга бепул ўқитиш каби кўрсаткичлар рағбатлантирилади.

“Жамиятдаги фаол фуқаро” деб топилган фуқаролар учун давлат хизматларини кўрсатишда 10 фоизга чегирмалар тақдим этилади. Олий таълим ташкилотларида шартнома асосидаги туловларнинг 5 фоиз қисмига, автомашина харидада кредитларнинг 3 фоиз қисми қоплаб берилсади.

2026 йилда маҳаллаларда жами 250 мингта микролойиҳа амалга

оширилади. Ҳоким ёрдамчилари кўмагида ташаббускорларни аниқлаш ва микролойиҳаларни ишга тушириш орқали 500 минг нафар аҳоли бандлиги таъминланади.

Жорий йилда чуқур ихтисослашган тоифадаги маҳаллалар сони 3 500 тага етказилди. Бу жараёнда 50 та маҳалланинг 50 фоиз хонадонидан экспорт-боп маҳсулот етиштиришни йўлга қўйган уста деҳқонларга субсидиялар берилди. 295 та маҳаллада тадбиркорлар, экспортёрлар ва брокерлар билан ҳамкорликда етакчи тадбиркорлар фаолияти йўлга қўйилди. Тадбиркорлик ташаббусларига эга фуқароларга имтиёзли кредит ҳамда судалар ажратилади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

ССУДА ВА СУБСИДИЯНИНГ ФАРҚИНИ БИЛАСИЗМИ?

Ихтиёр МИРАБДУЛЛАЕВ, Нурота тумани:

— Мен “Камбағал оилалар реестри”да тураман. Хонадонимга ҳоким ёрдамчиси келиб, ижтимоий аҳволимни ўргангач, ссуда ёки субсидия олишим мумкинлигини билдирди. Маълум бўлишича, субсидия қайтармаслик шарт билан берилар экан. Шу ҳақида тўлиқроқ билсам бўладими?

Аброрбек ЭЪЗОЗХОНОВ, “Мадад” ННТ ҳуқуқшуноси:

— Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан тасдиқланган “Камбағалликни қисқартириш давлат мақсади жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия, грант ва ссудалар ажратиш тартиби тўғрисида”ги Низомда эҳтиёжманд аҳоли қатламини қўллаб-қувватлаш мақсадида ссуда, субсидия ва грантлар ажратиш белгиланган. Бу ўринда уларнинг бир-биридан фарқини билиб олиш жуда муҳим. Демак, грант — Жамғар-

ма маблағлари ҳисобидан пул ва натура қўринишида илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари, ўқиш учун кўрсатиладиган жисмоний ва юридик шахсларга қайтариб бермаслик шарт билан тақсимланади.

Субсидия эса жисмоний ва юридик шахсларга қайтариб бермаслик шарт билан, ссуда қайтариб бериш шарт билан ажратиладиган молиявий кўмак ҳисобланади.



МАҲАЛЛАДА САНОАТ ВА ХИЗМАТ

Ташаббус яхши яшаш имконини яратди

Гоҳида соғлом, тоғни урса, талқон қилгудек келбатли инсонлар ҳам “давлат мени боқиб, моддий таъминлаб туриши керак”, деган фикрда маҳаллага ёрдам сўраб келади. Уларга боқиб, “нега булар шукр қилмайди” деб ўйлайман.

Али МАТЧОНОВ, Шовот тумани “Богбон” маҳалласи.

Узим 2-гурух ногирони бўлганим учун “Камбағал оилалар реестри”да турардим. Лекин бировнинг қўлига қараб яшашни ёқтирмайман. Шу боис “маҳалла еттилиги” таклифидан жуда хурсанд бўлдим.




Хатлов жараёнида ходимлар энди фақат пул тарқатиш, нафақа тўлаш билан муаммоларини ҳал қилиб бўлмаслигини айтиб, ўзим ҳам ҳаракат қилишим лозимлигини таъкидлашди. Шароитимизни ўрганиб, “камбағалликдан чиқариш учун ёрдам берамиз”, дейишди. Қўлимдан нима иш келишини суриштиришди.

Асалари боқибга қизиқи-

шим борлигини билгач, ҳоким ёрдамчиси имтиёзли кредит таклиф қилди. Ўйлаб кўрсам, таклиф анча манфаатли. Ҳеч иккиланмай рози бўлдим. Ажратилган маблағ янги имконият эшигини очди. Чунки бу соҳа кам ҳаражат, аммо барқарор даромад келтиради. Ҳозир асалари оиласи 18 тага етиб, биринчи йилдаёқ 200 кг. ҳосил

олдим. Аста-секин ишим юришиб, барқарор даромадга эришдим. Бу билан оиламга фойда тега бошлади. Мухими, турмуш ўртоғим ҳам шу ерда ишли бўлди.

Биргина ташаббус мени янада илҳомлантирди, ҳаётда яхши яшаш учун умид пайдо қилди. Келгусида фаолиятимни янада кенгайтириш ниятидаман.



Чет эл фуқаролари учун **ЎЗБЕК ТИЛИНИ БИЛИШ ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛАШ** имтиҳонлари жорий этилади.



Ўзбекистонда 2025 йилда **ТУҒИЛИШЛАР СОНИ** пандемиядан бери илк бор 900 мингдан пастлаб, 879,6 минг нафарни ташкил этди.



Ўзбекистонда 2025 йилда **ҚАЙД ЭТИЛГАН НИКОҲЛАР СОНИ** ўтган йилга нисбатан 4,7 мингга камайиб, 267,1 мингтани ташкил этди.

4

Mahalla №8

2026 йил 31 ЯНВАРЬ, ШАНБА

“ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАДР-ҚИММАТИ — ШАЪН ВА ҒУРУР МАСАЛАСИДИР!”

ОҚИЛАЛИК — ОИЛА БЕЗАГИ

Ҳаёт илми ҳаммага керак, ҳатто ота-онага ҳам

Эрталабдан нохуш хабар қулоғимга чалинди. Ўтган йили турмуш қурган ёш келин-куёв ажрашиш учун ариза топширибди. Тўғриси, бир муддат ўзимга келолмадим. Яқиндагина уларни кўчада қўл ушлашиб кетаётганини кўргандим. Қолаверса, эндигина уч ойлик бўлган қизчаси ҳам бор.

Рисолат ХОЛБОЕВА, Бахмал туманидаги “Дўстлик” маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

Кун давомида қилишим керак бўлган барча юмушларимни бир четга суриб, йигитнинг уйига йўл олдим. Хонадон вакилларида муаммонинг сабабларини суриштирдим. Уларнинг айтишига қараганда, ҳаммасини қизнинг онаси бошлаган эмиш. Кейин “еттилик” вакиллари билан қуда томонга боришга аҳд қилдик. Эшик кўнғирогини чалишимизни биламиз, ичкаридан қимнингдир бақирган овози эшитилди. Бироздан сўн ўрта ёшли аёл чиқиб

келди. Унга мақсадимизни аниқламоқчи эдик, сўзимизни кесиб, “Бу мавзуда ҳеч ким билан гаплашишни истамайман. Узи тобим йўқ, ҳозир қон босимим ошиб кетади”, деб ичкарига кириб кетди. Бир четда қимтинибгина турган келин онасининг юзидан ўтиб, бирор нарса дея олмади. Ота ҳам қўлини силтаганча, хотинининг ортидан эргашди.

Вазият шу қадар чигаллигидан нима қилишни билмай қолдик. Лекин ортга йўл йўқ. Бир-бирига кўнғил қўйган ёшларнинг ажралиши кетиши, мурғаккина гўдакнинг отасиз вояга етиши қанчалар оғир мусибат. Шунини тереан англаган ҳолда қизнинг уйига қайта ва қайта боришдан тўхтамадим. Онанинг кўзини очиш учун анчаги-



на ҳаётини мисоллар келтирдим. Қизини кимгадир узатган тақдирда ҳам набирасининг кўнғил кеттиб қўлиб улгайишни тушунтирдим. Хуллас, бу оила вакиллари билан роппа-роса бир йил ишладик. Шўқри, уринишларимиз бе-

самар кетмади. Она ёшларнинг алоҳида яшаш шарти билан қизнинг турмушини тиклашга розилик берди. Бу таклиф йигит тарафга ҳам маъқул келди. Нихоят, кунини кеча улар аризасини қайтариб олиб, бирга яшай бошлади.



Фаолиятим давомида бундай тақдирларнинг жуда кўпига гувоҳ бўлялман. Қалбимни оғрийдиган дард эса айрим ота-оналарнинг фарзанди тақдирга юзаки ёндашаётгани бўляпти. Уларнинг қизидан уйдаги гапларнинг ипидан игнасигача суриштириб, кейин жанжал кўтаргани ортиқча.

Шундай ҳолатларда оналарни ёнимга олиб, боласига тўғри йўл-йўриқ кўрсатиши кераклигини соатлаб тушунтираман. Ўтган йили худудимиздаги 9 та низоли оилани муросяга келтирган бўлсак, деярли ҳаммасида бир хил вазият. Демакки, биз, маҳалла ходимлари ёшларни катта ҳаётга тайёрлаш баробарида ота-оналарни ҳам ўқитишимиз керак. Бунинг учун мутахассисларни жалб қилган ҳолда маҳаллаларда махсус курслар ташкил этилса, яхши бўларди.

Қолаверса, гап фарзандларимизнинг тақдир ҳақида кетар экан, оила боши бўлган эркакларнинг ўз айтишидан сўзи бўлиши керак. Аммо амалда бунинг аксини кўрялмиш. Муаммони келтириб чиқарган ҳам, охириги қарорни қабул қилган ҳам оналар бўляпти. Назаримда, бундай вазиятда жим туриш оталаримизга ярашмайди. Улар қанчалик шижоатли ва қатъиятли бўлса, оилаларимиз шунчалик мустаҳкам бўлади.

ДАРМОД МАНБАИ

ТОМОРҚАДАГИ ГУЛ — ҲАМЁНДАГИ ПУЛ

Маҳалладошимиз Наргиза Нуризмбетова ўн йилдан кўпроқ вақт давомида гулчилик билан шуғулланиб келади. Айни вақтда хонадон томорқасидаги иссиқхонада 15 турдан ортиқ хонаки гул парвариланаётган бўлиб, аёл уларнинг ҳар бирига алоҳида эътибор ва меҳр кўрсатади.



Наргиза БЕКИЕВА, Беруний туманидаги “Палвиш” маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

Эрта баҳор қаламчалардан кўпайтирилган гул кўчатлари Қорақалпоғистоннинг барча туманлари ва Хоразм вилоятига етказиб берилмоқда. Мавсум давомида 10 нафардан ортиқ маҳалладошларнинг доимий иш билан таъминланаётгани эса оилалар фаровонлиги учун хизмат қилляпти. Февраль ойи охиридан қўшлаб эса помидор, булғор қалампирини ҳамда бақлажон каби экин кўчатларини етиштириш ҳам йўлга қўйилади.

Масаланинг эътиборга молик яна бир жиҳати, иссиқхонани қиш мавсумида иситиш учун хонадонга қуввати 40 кВт бўлган қуёш панеллари ўрнатилган. Бу нафақат харажатларни қисқартиради, балки экологик тоза энергия манбаи ҳисобланади.

Ҳар гўшамиз гўзал номга муносиб

...Уйга совчилар келди. Суриштирсак, мени келин қилиш истагидаги элчилар Паркент шаҳридаги Қашшоқ кўчасидан экан. Жой номининг нега бундай аталиши ҳаммамизнинг эътиборимизни тортди. Лекин андиша сабаб бу ҳақда сўрашга иймандик.

Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА, “Mahalla” муҳбири.

Йигит ва унинг оиласи ота-онамга маъқул келиб, бир ой ичида тўй ҳам бўлиб ўтди. Йўқлаб келувчи қариндошларим эса биринчи бўлиб “Нега қашшоқ?”, деган саволни беришди. Уларнинг кўпчилиги худудда истикомат қиладиган хонадон вакиллари ночор кун кечирса керак, деб ўйлашди. Бу гап-сўзларни эшитган қайнонам мийғида қулди-да, атаманинг қандай маъно англатишига изох берди.

Айтишларича, бундан бир неча юз йиллар аввал одамлар мазкур худудда деҳқончилик қила бошлаган. Лекин ерга қанча ишлов бериб, керакли ўғитлар солинишга қарамай, қўтилган ҳосилни бермабди. Сабаби, тупроқ унумдорлиги жуда паст бўлган. Шу баҳона “бу жойларнинг ери қашшоқ”, деган тушунча шакллана борган. Вақт ўтиши билан худуднинг хусусияти унинг номланишига айланган.



Жой номлари халқимизнинг маданий, маънавий меросини ўзида ифодалаб, асрлар давомида сақлаб келаётган бебаҳо хазина, халқ ижодидир. Лекин баъзан уларнинг нотўғри талқин қилиниши салбий маъно англатиши мумкинлигини рад этолмаймиз. Шу маънода Қашшоқ кўчаси “Файз”, деб ўзгартирилди.



Ишонасизми, шундан кейин худудда узумчилик йўналиши кескин ривожланди. Аҳоли вакиллари томорқасига экилган тоқдан мўл ҳосил олиб, уни яхшигина пуллай бошлади. Қўриб турганингиздек, биргина ном катта маъно ва аҳамият касб этади. Шу боис бу масалага жиддий эътибор қаратиш зарур. Туман, маҳалла ва кўчаларимизни чиройли ва

чўқур маъно касб этадиган сўзлар билан аталиши юртимизга ташриф буюрадиган меҳмонларни олдида ҳам юзимизни ёруғ қиладди.

Мулоҳазаларимизни давом эттириш асносида яна айрим мисолларни келтириб ўтмоқчимиз. Жумладан, Юнусобод туманидаги ўттиз йил давомида “Шодлик”, деб номланган маҳалла 2016 йилда “Йўлайриқ” шакли-

да ўзгартирилган. Маҳалла Нуронийларининг фикрига кўра, қадимда Буюк ипак йўли қарвони “Йўлайриқ” номли қарвонсаройда тўхтаб ўтган. Ушбу қарвонсарой эса ҳозирги маҳалла яқинида бўлган. Аҳоли вакиллари-нинг айтишича, ҳозирги кунда “Йўлайриқ” маҳалласида оилавий ажрашишлар ва ҳар хил низолар бўлаётгани ушбу ном билан боғлиқ. Шу боис уни “Обихаёт” тарзида ўзгартириш бўйича Тошкент шаҳар ҳокимлигига мурожаат йўланган. Афсуски, бу масала бир неча йилдирки, ўз ечимини топмапти.

Хатирчи туманидаги 12 та маҳалла номи ҳам тушунарсиз, саёз ва ғализ бўлгани учун муносиб тарзда ўзгартирилди. Масалан, “Чанқай” — “Меъазор”, “Койиш” — “Фидокор”, “Буталок” — “Янгиҳаёт”, “Капа” — “Нурафшон” тарзида атала бошлади.

Назаримизда, бу масалага юртимизнинг барча худудларида жиддий эътибор қаратилиши керак. Шундагина ҳар гўшамиз гўзал ва ёқимли номлар билан аталади. Уларни тилга олганда эса уялиш эмас, фахр туямиз.

НОЗИК ЖУССАДАГИ НОДИР ФАЗИЛАТ

Хунаридан завқ, меҳнатидан бахт топаётганлар

Қўлига игна-ип олган аёл борки, қалбан янгиликка ошно. Ижод жараёни ҳам жуда қизиқ. Бир парча матодан ноёб ва ўзига хос либос тикиш, аслида, осон эмас. Бунинг учун катта маҳорат ва сабр-қаноат керак. Тўсиқларни енгиб, астойдил меҳнатга тутинганларнинг эса даромади тайин.

Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА тайёрлади.



Саида СУВОНОВА, Когон шаҳрининг Бобур номидаги маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

Маҳалламизда яшовчи моҳир чеварлардан бири Малика Фазлиева фаоляти фикримизнинг яққол далили. Хонадон бекаси тикувчилик хунарини даромад манбаига айлантириш борасида ташаббус кўрсатиб, ўз олдига қатъий мақсад қўйган. Маҳалла масъуллари кўмагида унга имтиёзли тартибда 10 миллион сўм кредит маблағи ажратилгани жуда қўл келди. Бу сармоя эвазига у ижарага жой олиб, замонавий тикув машиналари билан жиҳозлади ва чеварлик фаолиятини йўлга қўйди.

Бугунга келиб Малика Фазлиева нафақат ўзи, балки яна икки нафар ишсиз аёлнинг бандлигини таъминлади. Ишчиларининг ҳар бирига 2,5 миллион сўмдан ойлик иш ҳақи тайинланган.



Биргина ташаббус ва хайрихолик туфайли маҳаллада унга яқин оила ҳалол меҳнат эвазига моддий манфаатдорликка эришмоқда.



Ўзбекистон Республикасининг **ДОИМИЙ АҲОЛИСИ СОНИ** 38 миллион 236 минг 700 кишига етди.



“ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ”НИНГ ИЛК МАВСУМИ 1 февралдан, овоз бериш босқичи 11 мартдан бошланади. Ҳолилар 21 март — Наврўз байрами куни эълон қилинади.



Аутодонорлик тартиби тасдиқланди: донор қони заруратда **ДОНОРНИНГ ҲАҚИГА** ИШЛАТИЛАДИ.

6

Mahalla №8

2026 ЙИЛ 31 ЯНВАРЬ, ШАНБА

“МАҲАЛЛА — ИЖТИМОЙ БИРДАМЛИК МАНБАИДИР!”

ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ

“Биз ҳам янгилик ярата оламиз!”, деган ишонч ҳаётни ўзгартириб юборди

Маҳалла тизимида иш бошлаганидан кейин қарашларим ва ўй-хаёлларим бутунлай ўзгарди. Олдин фақатгина ўзини ўйлайдиган одамдан халқ дарди билан яшайдиган инсонга айландим. Атрофимдаги кўмакка муҳтож аҳоли вакилларига қўлимдан келганча ёрдам беришга қаришдим. Бу ҳаётимизнинг мақсадларини амалга ошириш осон кечмаслигини англаганим ҳолда олға интилишдан тўхтамадим.

Муслимаҳон АБДУҚОДИРОВА, Пахтаобод туманининг Зокир Ҳабибий номидаги маҳалласи ижтимоий ходими.

Утган йили “Камбағал оилалар реестри”га киритилган аёлларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ижтимоий лойиҳа бошланди. Бу оддий ташаббус эмас, балки инсон қадри, аёлларнинг ички салоҳиятини юзага чиқарувчи муҳим ижтимоий дастур демак. Лойиҳанинг асосий мақсади — ижтимоий ҳимояга муҳтож аёлларни касб-хунар ўрганишга жалб қилиш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, реабилитация жараёнини қўллаб-қувватлаш, энг асосийси, барқарор даромад манбаи яратишга кўмаклашишдан иборат. Ишни “Устоз-шогирд” тамойили асосида тажрибали хунарманд аёл билан ҳамкорликда ўқув курсларини йўлга қўйишдан бошланди.

Бугунги кунда лойиҳа доирасида ногиронлиги бўлган 3 нафар хотин-қиз, шунингдек, кам таъминланган оилаларнинг 10 нафардан ортиқ аъзоси хунар ўрганиш жараёнида фаол иштирок этмоқда. Устознинг самимий ёндашуви, сабр ва эътибор билан олиб бориладиган машғулотлар натижасида опа-сингилларимиз чеварчилик сирларини ўзлаштириб, илк бор тикув машинаси олдида ўз қўллари билан меҳнат маҳсулини яратиш бахтига муяссар бўлди.



Уларнинг кўзларидаги қувонч, “Биз ҳам янгилик ярата оламиз!”, деган ишонч — ташаббуснинг энг катта натижасидир. Айниқса, ногиронлиги бўлган аёллар учун бу лойиҳа фақат касб ўрганиш эмас, балки ҳаётга қайтиш, жамиятдаги ўрнини топиш имкониятини юзага келтирди.



Жараён давомида ҳар бир иштирокчи билан алоҳида суҳбатлар, руҳий рағбатлантириш, ўқув жараёнини мувофиқлаштириш орқали уларнинг ишончини мустаҳкамлашга ҳаракат қилдик. Натижада бугун аёллар хунар эгаллашдан ташқари, даромад топиш сари дадил қадам ташляпти. Энг муҳими, ҳаётга ўзгача мазмун ва моҳият олиб кирди. Бундай меҳр ва эътиборга йўғрилган ташаббуслар нафақат аёлларни, балки бутун маҳалла ахлини фаровонлик сари етаклайди.

Ижтимоий ходим сифатида айтишим мумкинки, ҳар бир инсонда имконият бор — фақат унга ишонч керак. Агар шу ишончни уйғотишни улдасидан чиқасан, жамиятда бир эмас, юзлаб тақдирларни ўзгартириш мумкин бўлади.

Саҳифани “Mahalla” муҳбири **Шаҳноза РАҲИМХУҲАЕВА** тайёрлади.



МЕНДА САВОЛ БОР...

Ҳосият ОДИЛОВА, Жиззах вилояти:

— Ота-онани вафот этган 16 ёшли набиранимни ўз васийлигимда тарбиялаб келмоқдаман. Шу набирамга давлат томонидан қандай ёрдамлар белгиланган?

ВАСИЙЛИККА ОЛИНГАНГА ҚАНДАЙ ИМТИЁЗЛАР БОР?

Даврон ОТАМИРЗАЕВ, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Наманган вилояти бошқармаси шўба мудири:

— Вазирлар Маҳкамасининг “Етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан, етим ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болага ёш тоифасига қараб қуйидаги йўналишларда ёрдам кўрсатилади:



- 0-18 ёшгача бўлган болаларни кийим-бош ва зарур уй жиҳозлари билан таъминлаш;
- 0-23 ёшгача бўлган болаларнинг даволаш ҳамда жарроҳлик амалиёти харажатларини қоплаш;
- 5-18 ёшгача бўлган болалар учун musiқа ва спорт йўналишида инвентарлар, асбоб-ускуналар ҳамда махсус кийимларни харид қилиш;
- 14-23 ёшгача бўлган болалар учун олий таълим ташкилотларига ўқишга кириш учун тайёрланиш харажатлари ва халқаро имтиҳон тизимлари бўйича имтиҳон топишириш харажатига компенсация бериш;
- 16-23 ёшгача бўлган болалар учун тадбиркорлик ёки ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошлаш учун асбоб-ускуна ёки меҳнат қуролларини харид қилиш тарзидаги ижтимоий ёрдамни қўрсатиш;
- 17-23 ёшгача бўлган болалар учун олий таълим ташкилотлари тўлов-шартнома суммасини тўлаш ва касб-хунарга ўқитиш курслари ҳамда ишга жойлаштириш харажатларини қоплаш;
- 18-23 ёшгача бўлган болалар учун сафарбарлик қақирувчи резервидagi хизматни ўташ, автотранспорт воситалари хайдовчиларини тайёрлаш ўқув курси, тест ва амалий имтиҳонлар харажатларини қоплаш тарзидаги ижтимоий ёрдамлар кўрсатилади.

ИНТИЛГАНГА ИМКОНИЯТ ЧЕКСИЗ

Меҳрли қўллардан куч олган қалблар



Инсон зоти борки, ўз устида ишласа, атрофдагиларнинг қўллаб-қувватлашини ҳис қилса, албатта, юқори натижаларга эришади. Ногиронлиги бўлган кишилар ҳам бундан мустасно эмас.

Дилшод ШОДИЕВ, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Қашқадарё вилояти бошқармаси матбуот котиби.

Айни пайтда бу ерда жами 15 турдаги реабилитация хизматлари йўлга қўйилган.



Лайло Рустамова биринчи бор марказга келганида фақатгина тўшақда ётарди. Таянч харажатларида нуқсон бор эди. Мутахассислар ишларини олиб борди ва уларнинг саъй-ҳаракати билан ҳозирда кизалоқ қисман юришни бошлади. Бундан оила аъзолари жуда хурсанд.

Шифокорларнинг таъкидлашича, бундай комплекс ёндашув болаларнинг жисмоний ва руҳий ривожланишини қўллаб-қувватлаш, уларни жамиятга мослаштириш ҳамда ҳаёт сифатини яхшилашда муҳим аҳамият касб этади.

Карши шаҳридаги “Imkon” кўп тармоқли ихтисослаштирилган марказ иккита йўналиш бўйича фуқароларнинг мушкулларини осон қилиб келяпти. Хусусан, мактабгача таълим ташкилотига гўдақлар тарбияланаётган бўлса, реабилитация қисмида 3-18 ёшли имконияти чекланган болаларнинг ижтимоийлашуви учун керакли кўмаклар кўрсатиляпти.

Марказда турли тоифадаги болалар билан замонавий усуллар асосида иш олиб борилади. Масалан, кўриш ва эшитишда нуқсонли бўлган, ақлий ва руҳий ривожланишида муаммолари мавжуд ҳамда таянч-ҳаракат тизими бузилган болалар учун алоҳида ва гуруҳ машғулотлари ташкил этилган.

СИЗ ЁЛҒИЗ ЭМАССИЗ

ИЛМГА ТАШНА ЁШГА ИМКОН ҚАНОТ БЕРАДИ

Қоракўл туманидаги “Зарафшон” маҳалласида яшовчи Рухшона Эргашева аммаси васийлиги остида улғаймоқда. У яқинда туман “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази масъуллари кўмагида ўзининг орзу-истакларини рўёбга чиқариш сари муҳим қадамни қўйди.

Зарнигор НАФИДДИНОВА, журналист.

Аниқроқ айтилган бўлса, қиз Бухоро тиббиёт институтига имтиёз асосида талабалikka қабул қилинди ва бепул талабалар ётоқхонаси билан таъминланди.

Бундан ташқари, Рухшона “Меҳр дафтари” маблаглари ҳисобидан доимий равишда қўллаб-қувватланыпти. Мазкур ёрдамлар унинг ижтимоий ҳаётга интеграцияси, таълим олиш ва келажакда мустақил ҳаёт куриш имкониятларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Рухшонанинг таълим йўлида қўлга киритган ютуқлари ва қўллаб-қувватланиши туман “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази амалга ошираётган самарали ишларнинг яққол натижасидир.





2025 йил якунига кўра, Ўзбекистон ТАШҚИ САВДО АЙЛАНМАСИ 81,2 миллиард долларга етиб, 2024 йилга нисбатан 20,7 фоизга ўсди.



Мамлакатимизда 2025 йилда ЎРТАЧА ОЙЛИК НОМИНАЛ ИШ ҲАҚИ 6,4 миллион сўмга етди.



2025 йил якунларига кўра, Ўзбекистонга ПУЛ ЎТКАЗМАЛАРИ ҲАЖМИ 18,9 миллиард долларни ташкил этди.

2026 йил 31 январь, ШАНБА

Mahalla №8

7

“ҲАЛОЛ МЕҲНАТ — ХОТИРЖАМ ҲАЁТ ВА ФАРОВОН ЖАМИЯТ ГАРОВИ”

МЕНДА САВОЛ БОР...

Содиқ АБДУЖАЛИЛОВ.
Қашқадарё вилояти:

— Мен сартарошлик фаолияти билан ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида ишлаб келаётганим. 2026 йил 1 январдан бошлаб, сартарошлик ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турларидан чиқарилди. Энди қандай қонуний ишлашим мумкин?

САРТАРОШЛИК БИЛАН ҚАНДАЙ ҚОНУНИЙ ШУҒУЛЛАНИШ МУМКИН?


Умар БОҚИБЕКОВ,
ҳуқуқшунос, тадбиркорлик фаолиятидаги солиқ низолари бўйича адвокат:

— Агар сиз сартарошлик фаолияти билан ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида ишлаб келган бўлсангиз, 2026 йил 1 январдан бошлаб, фаолиятингизни аввалги тартибда давом эттириш имкони бўлмайди. Боиси бу йўналиш Президентимизнинг 2025 йил 19 мартдаги тегишли фармони билан ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатидан чиқарилди.

Янги тартибга кўра, илгари ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида сартарошлик, репетиторлик, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш каби фаолият билан шуғулланганлар эндиликда фақат тадбиркорлик субъекти сифатида иш юритиши зарур. Шу боис сиз сартарошлик фаолиятини яқка тартибдаги тадбиркор сифатида қайта рўйхатдан ўтказишингиз ёки юридик шахс (масалан, МЧЖ) ташкил этган ҳолда амалга оширишингиз лозим. Бу сизга фаолиятингизни очиқ, қонуний ва барқарор тарзда олиб бориш имконини беради.

Яқка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс ташкил этган ҳолда рўйхатдан ўтиш учун Давлат хизматлари марказига бориш шарт эмас. Шунчаки сиз “Soliq” мобил иловаси ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) орқали электрон тарзда, масофадан туриб рўйхатдан ўтишингиз мумкин.

Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.



СОЛИҚЧИ — КЎМАКЧИ

ЁНДАШУВ АНИҚ ВА СОДДА: СОЛИҚ ТЎЛАШДА НАМУНА БЎЛИНГ, МАҲАЛЛА РИВОЖИГА ҲИССА ҚЎШИНГ!

Бугун ҳар бир маҳалланинг солиқчиси борлиги, тизимнинг аниқ ишлаши ва ходимлар меҳнатининг самарадорлиги нафақат бюджетга тушумларни ўз вақтида жалб этишга, балки маҳалламизнинг обод бўлишига хизмат қилмоқда.



Дилмурод АБДУРАЗЗОҚОВ,
Пешку туманидаги “Дейча” маҳалласи солиқ инспектори.

Маҳалла масъулари билан биргаликда фуқароларга ўтган йилнинг 9 ойида 50 миллион сўмга яқин солиқ тушумлари тушганини маълум қилдик. Бу маблагнинг самараси ўлароқ, маҳалламиз кундан-кунга ободлашиб борапти: янги боғча ташкил қилинди, йўллар таъмирланди ва маҳалламизнинг умумий кўриниши сезиларли даражада яхшиланди. Қувонарлиси шундаки, маҳалламиз аҳолиси солиқни ўз вақтида тўламоқда. Тушган маблагнинг 10 фоизи тўғридан-тўғри маҳалла сарф-харажатларига йўналтирилди.

Оилаларга кирганимизда уларнинг самимий табассум билан кутиб олишлари ишимизга янада куч ва иштиёқ бағишлайди.

Балки кўпчилиги бунга эътибор бермас, лекин айнан солиқ инспекторининг ташаббуси ва унинг маҳалладошлар билан тил топишишу туфайли фуқаролар солиқ тўловларини ўз вақтида амалга оширмоқда. “Маҳалла еттилик” вакиллари билан биргаликда олиб борилган тарғибот ва тушунтириш ишлари натижасида 15 та хонадондаги яширин даромад топувчи фуқаролар фаолиятини қонунийлаштирдик. Шунингдек, 10 нафардан ортиқ тадбиркорга берилган маслаҳатлар орқали улар бизнесини кенгайттирди ва натижада 30 га яқин ишсиз фуқаролар расмий иш билан банд бўлди.



Бизнинг ёндашувимиз содда: фаол солиқ тўловчиларни намуна қилиб, уларнинг тажрибаси орқали бошқаларга солиқ тушумларининг аҳамиятини тушунтирамиз. Солиқчи қонунга таянади, халққа хизмат қилади ва солиқлар ҳисобига амалга оширилаётган катта ўзгаришларни фуқаролар ўз кўзлари билан кўриб боради. Шу тарзда, маҳалламиз нафақат бюджет тушумлари, балки ободлик ва ижтимоий ривожланиш бўйича ҳам намуна бўлиб қолмоқда.

“СОЛИҚ ТЎЛАШ — БУРЧИМ”

2016 йилда тадбиркорлик фаолиятимни бошладим. “Аёллар дафтари”га киритилиб, дастлаб 8 миллион сўм кредит эвазига машина сотиб олдим ва бир нафар ёрдамчи билан кўрпа-ёстиқ тикиш ишини йўлга қўйдим.

“САБР ВА ҲАЛОЛЛИК — МУВАФФАҚИЯТЛАРИМ ОМИЛИ”

Гулсал ШАРИПОВА,
Шаҳрисабз тумани “Духчи” маҳалласи.

Ишни бошлаш жараёни осон бўлмади: “Инсон” ижтимоий хизматлар марказида ҳужжатларни тайёрлаш, рўйхатдан ўтиш, бирор масалани билвосита сўраб ҳал қилиш керак эди. Лекин сабр билан ҳар бир қийинчиликни енгиб ўтдим, бугун олдимда 15 нафарга яқин хотин-қиз ишлайди.



Фаолиятимдаги энг катта ёрдам — солиқ органларидан бўлди. Солиқ ходимлари нафақат ҳужжатларни тартибга солиш, балки янгиликлардан хабардор қилиш орқали ҳам ёрдам беряпти.

Ҳозир аёлларнинг ойлик даромади 6-7 миллион сўмга етади. Мен эса даромадимдан йилига бир фоиз солиқ тўлайман, бу йилига 1-2 миллион сўмни ташкил қилади. Давлатимизнинг бундай қулай имкониятлари, шунингдек, солиқ органларининг бевосита ёрдами билан тадбиркорликни бошлаш ва ривожлантириш осонлашди.

Албатта, ҳар бир қийинчилик ортидаги меҳнатнинг меваси ширин бўлади. Ҳалол меҳнат билан бошланган иш бугун нафақат мен, балки йиғиндаги хотин-қизлар учун ҳам барқарор даромад манбаи бўлиб хизмат қилмоқда. Шунинг учун янги бошлаётган тадбиркор аёлларга фақат сабр ва ҳалолликни маслаҳат берман: меҳнатингиз самарасиз қолмайди, меҳнат билан эришилган муваффақият бебаҳо бўлади.



Фидойилик — қалб собитлиги, халқсеварлик — умр мазмуни

ИБРАТЛИ ЙЎЛ

Шермаат Ражапов 1952 йилда Қарши шаҳридаги “Хўжа Хиёл” маҳалласида туғилган. Унинг меҳнат йўли 1975 йилдан бошланиб, бу давр мобайнида у жамиятимизнинг турли соҳаларида, хусусан, соғлиқни сақлаш тизимида, ҳокимлик ва ижтимоий таъминот йўналишларида самарали фаолият юритиб, муҳим ташаббусларни амалга оширди.

Шермаат Ражапов бутун умрини соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, бандлик, маҳалла, инвестиция ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб қувватлашга, тадбиркорликни ривожлантиришга бағишлаган фидойи инсон. 2025 йилдан Ўзбекистон менежерлар ассоциацияси Қашқадарё вилояти филиали директори лавозимида ишлаб келмоқда. Қолаверса, у вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзоси саналади.

Ш.Ражаповнинг маҳалла ва ижтимоий соҳадаги фаолияти кенг қамровли. 2015-2019 йилларда “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Қашқадарё вилояти бўлими, шунингдек, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят Кенгашига раҳбарлик қилган даврда ижтимоий кўмак кўрсатиш йўналишида кенг қўламли ишларни амалга оширди.

Хусусан, маҳаллаларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди, йиғинлар компьютер техникалари, мебель жиҳозлари билан таъминланди. Бир неча худудларда, жумладан, Қарши, Ғузор, Қамаш туманларида янги маҳалла бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Вилоят, туман, шаҳарларда “Энг яхши маҳалла”, “Энг фаол маҳалла раиси” кўрик-танловларини ўтказишда ташаббус кўрсатди.

Ш.Ражапов ҳозирда Қарши шаҳридаги “Буюк Турон” маҳалласида истиқомат қилади. Маҳалла аҳли ўртасида ҳурмат ва эътиборга эга. Маҳаллани ривожлантириш, унинг тинчлигини сақлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшларни Ватанга содиқ инсонлар этиб тарбиялашда билим ва тажрибасини аямасдан келмоқда.

Ҳозирги кунда мазкур йиғинда 5351 нафар аҳоли яшайди. 2025 йилда маҳаллада бирорта жиноят содир этилмаган. Фуқаролар йиғини биносини замонавий шаклда бунёд этилган, “еттилик” учун барча шароитлар мавжуд. Фуқаролар йиғини Кенгаши, комиссиялар, жамоатчилик тузилмалари фаолият юритмоқда. Қувонарлиси, маҳалла худудидagi тадбиркорлик субъектларида, асосан, шу йилгини ёшлари, хотин-қизлар ишлайди.



Ш.Ражапов маҳалла тизимидаги кўп йиллик тажрибасидан келиб чиқиб, айрим тақлифларни билдиради:

- китобхонликни янада ривожлантириш учун ҳафтанинг бир кунини маҳаллалар худудидagi барча ташкилотлар, муассаса ва корхоналар, таълим даргоҳлари, қолаверса, хонадонларда “Китобхонлик кунини” деб эълон қилиш зарур;
- ҳар ойда бир марта хонадонларда, ташкилот, муассаса, корхоналарда “Тозалик ва озодаллик кунини” йўлга қўйиш керак;
- маҳаллаларда ҳар ойнинг охириги шанба кунинида тиббий кўриқларни ташкиллаштириш лозим;
- ортикча дабдаба, исрофгарчиликларга йўл қўймаслик учун маҳалладаги ҳар бир тўй ва маъракаи йиғин фаоллари билан келишган ҳолда ўтказишни қатъий йўлга қўйиш даркор;
- ҳар ойнинг белгиланган маълум бир кунинида маҳаллаларда “еттилик” аъзолари, шаҳар, туман масъуллари иштирокида инсонлар ҳаёти билан боғлиқ масалаларни ўрганиб чиқиш ва ҳал этиш учун очиқ эшиклар кунини ўтказиш мақсадаги мувофиқ.

Маҳалладаги боғча ва мактаблар, оилавий поликлиника, тадбиркорлик субъектлари фаолиятида жамоатчилик назоратида ўрнатилган унинг ташаббуслари сезиларли таъсир кўрсатган. Йиғинда ҳар ойда “тозалик ва озодаллик кунини”, “коррупция ва зуравонликка қарши кураш кунини” каби ташаббуслар жорий этилган.

Шермаат Ражаповнинг ҳаёти, бу — фидойи меҳнат ва жамиятга хизматнинг ибратли намунасидир. У фаолияти давомида маънавий аҳамиятга эга бўлган кўплаб лойиҳаларни амалга оширди, ижтимоий шерикликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшди, кўплаб ёшларга устозлик қилди. Турли давлат мукофотлари унинг жамият олдидagi хизматини эътиборга олади. Унинг меҳнати ва ташаббуслари халққа хизмат қилиш, ижтимоий адолат ва тараққиёт йўлида узок йиллардан бери ёрдамчи бўлиб келмоқда.

Шаҳноза ХАЛИЛОВА.



Марказий банк кредит ташкилотлари учун КИБЕРХАВФСИЗЛИК ВА МОЛИЯВИЙ ФИРИБГАРЛИКНИНГ олдини олиш бўйича минимал талабларни белгилади.



Ўзбекистонда 1,2 мингдан ортиқ фуқарога СОХТА ҲАЙДОВЧИЛИК ГУВОҲНОМАЛАРИ расмийлаштириб берилгани аниқланиб, жиноят иши қўзғатилди.



Ўзбекистонда бир ҳафтада 18 та уюшган жиноий гуруҳ аниқланиб, 123 килограмм НАРКОТИК МУСОДАРА ҚИЛИНДИ.

“МАҲАЛЛА ТИНЧ ВА АҲИЛ БЎЛСА, ЖАМИЯТ ТИНЧ, ҲАМЖИҲАТ БЎЛАДИ”

ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА

“ЕТТИЛИК” ЕЛКАДОШ ИШЛАДИК, ЖИНОЯТ ЙЎҚОЛДИ

Маҳалламизда яшовчи Ўринбой исмли шахс ичкиликка ружу қўя бошлади. Ҳар кеч уйига маст бўлиб келар ва жанжал қиларди. Охири турмуш ўртоғи маҳалладан ёрдам сўради. Оила ажралиш оstonасига келиб қолганди. Маслаҳатлашиб, уни мажбурий даволашга эришдик. Шу тарзда оилани сақлаб қолдик.



Ойбек АСАТУЛЛАЕВ, Риштон туманидаги “Бўстон” маҳалласи профилактика инспектори.

Ўтган йили 4 нафар спиртли ичимликлар истеъмолига ружу қўйган инсон аниқланган эди. Уларни мажбурий тартибда даволанишини ташкил этдик. Натижанда 2 нафари соғлом ҳаётга қайтди. Яна 2 нафари даволаниш жараёнида. 4 та оилавий можа-ро оилани қўллаб-қувватлаш ва яраштириш комиссиясида кўриб чиқилиб, ижобий ҳал этилди. Айни пайтда бирорта низоли оила йўқ.

Хар кунлик иш жараёнида бу каби воқеаларга кўп дуч келамиз. Гоҳида бирор маҳаллада аёллар, ёшлар ўртасида ўта оғир жиноятлар содир этилгани, оилалар ажрашиб, фарзандлар етим қолгани ҳақида ўқиб қоламиз.


Аслида, ҳеч бир инсон жиноятчи бўлиб туғилмайди, жиноятчилар осмондан тушаётгани йўқ. Улар орамиздан, маҳалламиздан чиқяпти. Фикримча, бунинг бош сабаби — лоқайдлик. Айбни бировдан эмас, аввало, ўзимиздан қидиришимиз керак. Чунки ўша кўнгилсизликка сабаблар кеча ёки бугун пайдо бўлмагани, оилар ва ҳатто йиллар давомида ривожланиб, ўткирлашиб боргани аниқ. Охир-оқибат фожиа юзага келган. Ваҳоланки, ўз вақтида профилактика чоралари кўрилса, шу каби мудқиш воқеаларнинг олди олинади.

Фаолиятимни шу мезон асосида ташкил этганман. Одамларга ёрдам бериш, жиноятларнинг олдини олиш, ҳудуддаги тинчлик ва осойишталикни таъминлаш учун “еттилик” билан доим ҳамкорлик қиламан, улар билан ҳаммаслак, ҳамфикр, елкадошман. Чунки оилалар ўзига тинч бўлса, маҳалла жиноятдан холи ҳудудга айланса, юртимизда осойишталик ҳукм суради. Бу эса кўп жиҳатдан нотинч оилалар билан, тарбияси оғир ёшлар билан яқиндан иш олиб боришимизга боғлиқ.

Ҳудудда иш бошлаганимга 3 йил бўлди. Дастлабки кезде жиноятлар сони бирмунча ортиқ эди. Маҳаллада ёшлар, жумладан, вояга етмаганларга, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахсларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ёрдам кўрсатиб, жиноятлар содир этилишига йўл қўймадик. 3 йилдан бери бирорта ҳолат қайд қилинмади. Ҳозир “ашилл” тоифадаги маҳалламиз.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Жиноятга дахлдорлик жавобгарликка сабаб бўладими?



Ушбу сондаги барча мақолалар матнини мусахҳиҳ Феруза ФУЗАЙЛОВА ўқиди.

ЭЙ, СИЗ ОДАМЛАР, ЭССИЗ ОДАМЛАР...

Гиёҳванд устаси фаранг бўлса-да, “Дарбанд” дан ўтолмади

Жиноят фақат қонунбузарлик эмас, балки инсон ўз тақдирини издан чиқаришидир. Айниқса, бу — гиёҳвандлик воситаларини қонунга хилоф равишда истеъмол қилиш ва сотиш билан боғлиқ бўлса, янада аянчли оқибатларга олиб келади. Чунки у ижтимоий касаллик бўлиб, инсоннинг жисмоний ва руҳий ҳолатини издан чиқарибгина қолмай, балки оиласига, жамиятга зарар еткази.

Тўлқин ТўРАҚУЛОВ, Жиноят ишлари бўйича Шеробод тумани суди раиси.

Ўғри, юртимизда муаммога ечим топиш учун салмоқли ишлар қилинмоқда. Лекин таҳлилларга кўра, бу чоралар етарли бўлмаяпти. Жиноятлар сони йиллар кесимида ортиб борапти.

Бу ҳақда Президент Шавкат Мирзиёев давлат ва жамият хавфсизлигига тўғридан-тўғри таҳдид қилаётган уюшган жиноятчилик, нарко-жиноятлар, кибержиноятлар ва яширин иқтисодиёт бўйича таъсирчан чораларни белгилаш юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида яна бир бор тўхталиб ўтди.

Жумладан, наркоканалларнинг охириги манбаси ҳомиляригача етиб бориш учун масъулларда қатъият йўқлиги танқид қилинди. Биргина пойтахтнинг ўзида наркожиноятлар сони 4 мингдан ошган. Йиғилишда таъкидланганидек, мазкур жиноятлар учун айбли, деб топилганлар жазонинг ярмини ҳам ўтамасдан озодликка чиқмоқда. Оқибатда бу жиноятни тақроран қилганлар 3 йилда 125 фоизга кўпайган.

Термиз шаҳрида ҳудди шундай ҳолат содир этилди. “Маърифат” маҳалласида яшовчи 4 нафар фарзанднинг отаси ўтмиш хатоларидан сабоқ чиқармай, яна ўша тубан ишга қўл урди.

Олдиндан режалаштирилган жиноий ҳаракат асосида танишлари орқали 98 грамм гашиш гиёҳвандлик воситасини қўлга киритади. Уни сотиш мақсадида бошқарувида бўлган “Nexia” русумли автомашинада Тошкентга йўл олади. Тунги соат 00-02 да Бойсун тумани ҳудудидаги “Дарбанд” йўл патруль хизмати масканида тўхталиб, ҳолислар иштирокида кўздан кеңирилади. Ўтказилган тезкор тадбир давомида устаси фаранг



Иш ҳужжатларига кўра, 1965 йилда туғилган ўта хавфли рецидивист аввал ҳам тўрт бора жиноят содир этган. Уларнинг учтаси гиёҳвандлик воситалари савдоси, тўртинчиси эса автоҳалокат орқали инсон ҳаётига зомин бўлиш билан яқунланган. Қилмишлари учун суд томонидан тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб қайтса-да, бундан тўғри ҳулоса чиқармади. Ўрганган кўнгил, ўртанса қўймас, деганларидек, яна “оқ ажал” савдосига қўл уради.

“сотувчи” машинасининг том қисмидаги “такси” ёзувли махсус белги ичида гиёҳвандлик моддасини яширгани аниқланди.

Жиноят ишлари бўйича Шеробод тумани суди ушбу ишни кўриб чиқиб, айбдорга 10 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлади. Лекин танганинг иккинчи томонини ўйлаб, ачинасан. Яъни, оила таназзулга учради, 4 фарзанд боқувчисиз қолди.

Ҳулоса қилиб айтганда, гиёҳвандлик балоси инсониятни фалокат сари бошлайдиган энг хавфли иллатдир. Шунинг учун бундай қилмишларнинг олдини олиш нафақат ички ишлар ходимлари, балки кенг жамоатчиликнинг ишига айланиши керак.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Хайрулло АБДУРАХМОНОВ тайёрлади.



Нурилло САМАНДАРОВ, Мингбулоқ тумани:

— Одатда, жиноят содир этилганда унда бажарувчи, иштирокчилар тенг жавобгарликка тортилади. Лекин баъзи вазиятда фуқаро жиноят ҳақида билса-да, вақтида ички ишлар органларига хабар бермайди. Шу ҳолатда улар ҳам жиноий жавобгарликка тортиладими?

Ярашжон ЭРМАТОВ, Жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар суди судьяси:

— Ушбу вазиятда жиноят ҳақида билиб, у ҳақида хабар бермаганлар жиноятга дахлдор ҳисобланади. Жиноятга дахлдорлик, бу — жиноятга тайёргарлик қўрилаётганилиги, содир этилаётганлиги ёки содир этилган-

лиги ҳақида аниқ билгани холда уни содир этаётганларга ваъда қилмасдан ички ишлар органларига хабар бермаслигидир.

Бунинг учун фақат икки ҳолатда, яъни Жиноят кодексининг 155- ва 241-моддаларида кўрсатилган қилмишлари учун шахснинг жавобгарликка тортилиши белгиланган. 241-моддадаги оғир ёки ўта оғир жиноятлар со-

дир этганлар ёки этаётганлар ҳақида била туриб, хабар бермасгина шахс жиноий жавобгарликка тортилади.

Иштирокчилик эса анча кенг тушунча. Жиноят содир этилган барча ҳолатларда бажарувчи билан бирга, далолатчи, ёрдамчи ва ташкилотчилар қилмиши жиноий жавобгарликка сабаб бўлади ва жазо муқаррарлиги таъминланади.

